

Ҳиндистондан лагерларга кўчирилган мусулмонларнинг аҳволи қандай?



16:26 / 14.10.2021 1756

Ҳиндистоннинг Ассам штатидаги бир неча минг мусулмонлар сув босиш хавфи юқори бўлган аҳоли яшамайдиган ҳудудга депортация қилинган. Бу ҳақда mupamaz.ru манбаси хабар берди. Шулардан бири ҳомиладор аёл бўлган Амина Хатун. Бу муслима аёл ҳозирда ҳеч қандай тиббий ёрдам, гигиена воситалари ва тоза ичимлик сувидан фойдалана олмайди.

Унинг таъкидлашича, сентябр ойининг охирида хавфсизлик кучлари томонидан бир кечада ўз уйдан ҳайдаб чиқарилган, ҳатто керакли жиҳозларни йиғишга ҳам рухсат берилмаган. Ҳозирда мингдан ортиқ оила Дарранг ҳудудидаги вақтинчалик лагерда йиғилган.

Ҳукумат депортация ҳақидаги қарорида бу ерлар давлат мулки эканлиги ва 40 йилдан буён турган уйлар ноқонуний бинолар эканлигини айтиб ўзини оқлаган. Айни вақтда ҳинд ёшларини иш билан таъминлаш бўйича қишлоқ хўжалиги лойиҳаси учун йигирма беш ярим гектар ерни ажратиш режалаштирилган.

28 ёшли Саҳабуддин Аҳмад Ал-Жазира телеканалига берган интервьюсида: «Биринчи кўчириш рейдлари 20 сентябрдан бошланди. 18 сентябр куни ҳокимият томонидан буйруқ берилди ва икки кун ўтиб бизнинг уйларимиз булдозер билан бузила бошланди.

Иккинчи кўчириш рейдини ўтказиш полиция учун осон кечмади, чунки маҳаллий аҳоли йиғилиб, норозилик билдиришди. Хавфсизлик кучлари уларга қулоқ солмади, аксинча, намойишчиларни таёқ билан ура бошлади. Оқибатда икки қишлоқ фуқароси ҳамда ўсмирлардан бири ҳалок бўлди. Кўпчилик тан жароҳати олди».

Кўчирилганлардан бири давлат оммавий ахборот воситаларининг фотографи ўлдирилган одамнинг жасадига сакраб ва уни тепкилаб турган қисқа видеони тасвирга олган. Ушбу видео бир зумда ижтимоий тармоқларда тарқалган ва одамлар Ҳиндистон расмийларининг ҳаракатларидан норози эканлигига сабаб бўлган.

Оқибатда ҳиндистоннинг савдо шерикларидан бири бўлган Қатар фаоллари истеъмолчиларни ва ҳукуматларни ҳинд товарларини бойкот қилишга чақирган.

Ҳозирда депортация қилинган лагерда яшаётган аҳоли очиқ ҳавода овқат пиширади, болаларини мактабга юбориш ёки тиббий ёрдам олиш имкониятига эга эмас. Айниқса, улар ёмғирдан қўрқишади, чунки уларнинг яшаётган жойи дарё қирғоқлари ёнида бўлиб, шу ерда истиқомат қилишлари буюрилган. Агар ёмғир ёғса дарёдаги сув оқими кўпайиши натижасида сув тошади ва уларнинг аянчли кулбаларини осонликча йўқ қилиб юбориши мумкин. Бироқ шунга қарамай, расмийлар кўчирилганларга бу хавfli яшаш жойини тарк этишни тақиқлаган.